



20 20у « 1 » июль

№ Қ-296

« » 20 г

**Термиз тумани “Халқабод” маҳалласи
худудидан “Жалол Омад Термиз”
МЧЖга “Иссиқхона” биноси қуриш
учун ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 15 майдаги 05-02/264-сон йиғилиш баёни ва Термиз туман ҳокимининг 2020 йил 09 апрелдаги 146/01-42-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 15 майдаги 05-02/264-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Термиз тумани “Халқабод” маҳалласи худудидан “Жалол Омад Термиз” МЧЖга туман ҳокимлиги заҳирасидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 40,46,48 ва 34-дала контурларидаги тупроқ унумдорлиги 49 балл бонитетли жами 36,8 гектар шундан, 34,6 гектар суғориладиган экин ер, 1,2 гектар ариқ ва зовурлар, 0,6 гектар йўллар ва 0,4 гектар бошқа қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдонлари “Иссиқхона” биноси қуриш учун доимий эгалик қилиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. Жалол Омад Термиз” МЧЖ раҳбари Ш. Ҳамдамовга:
ажратилган ер майдонидан фақат иссиқхона ташкил этиш учун фойдаланиши:

етиштирилган маҳсулотларни экспорт қилиши;
мақсадсиз фойдаланилганда ажратилган ер майдони туман ҳокимлиги заҳирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Термиз тумани ҳокимлиги (Ш.Уринов) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Х.Саматов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов